

**Сув хўжалиги вазирлиги томонидан қонунчилик ҳужжатлари
ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

2026 йил 2 апрель ҳолатига

“Ijro.gov.uz” тизимидаги Давлат раҳбари ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари билан вазирликка юклатилган топшириқлар ижроси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги ПФ–6166-сон, 2025 йил 25 июлдаги ПФ–117-сон Фармонлари ҳамда 2021 йил 31 майдаги ПҚ–5132-сонли қарори асосида ташкил қилинган ягона ва узлуксиз **“технологик занжир”** асосида амалга оширилиб, ижро интизомига риоя этиш борасида қатъий тартиб, интизом ва тизимли назорат ўрнатилиб, муайян натижадорликка эришилди.

Ҳар ҳафтанинг душанба кунлари вазир ҳузурида ҳамда жума кунлари вазирнинг ижро интизомига масъул ўринбосари ҳузурида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Администрация раҳбари ва Ҳукуматнинг ҳужжатлари билан вазирликка юклатилган топшириқлар ижроси танқидий муҳокама қилиб борилмоқда.

Шу билан бирга, 2026 йил 5 март куни вазирликнинг Ҳайъат йиғилишида “Ijro.gov.uz” тизимидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти, Президент Администрацияси раҳбарининг ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари билан вазирликка юклатилган топшириқлар ижроси муҳокама қилиниб, масъулларнинг шахсий масъулияти ва жавобгарлиги оширилган.

2026 йилнинг март ойида ижроси таъминланиши лозим бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти, Администрация раҳбари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси топшириқларини 25 мартга қадар ижросини таъминлашга қаратилган I-II картотека топшириқлар рўйхати 18 февраль куни, вазир ўринбосарлари кесимидаги Календарь режа ҳамда “Йўл харита”лар ишлаб чиқилиб, Вазир Ш.Хамраев имзоси билан эслатма ва ижро учун барча вазир ўринбосарлари, вазирлик марказий аппаратининг бошқарма ва мустақил бўлим бошлиқлари ҳамда вазирлик тасарруфидаги республика ташкилотлари раҳбарларига етказилган.

2026 йилнинг март ойида ижроси таъминланиши лозим бўлган **60 та** Вазирлар Маҳкамаси топшириқлари ҳамда **28 та** Администрация раҳбари топшириқларининг барчасиси (**100 фоиз**) тўлиқ бажарилган ва ўрнатилган тартибда назоратдан чиқарилган.

187 та Президент топшириқларининг **180 таси** бажарилган ҳамда **7 таси** бажарилмаган. Давлат раҳбарининг 7 та топшириқлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 майдаги ПҚ–5132-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ ижро муддатини узайтириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига ва Адлия вазирлигига таклиф киритилган бўлиб, ушбу топшириқларнинг ижросини таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Шунингдек, 2026 йил апрель ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг **143 та** топшириғи назоратга олинган бўлиб, шундан, **79 таси**да вазирлик асосий ижрочи ва **64 таси**да ҳам ижрочи.

Администрация раҳбарининг **50 та** топшириғи назоратга олинган бўлиб, шундан, **37 таси**да вазирлик асосий ижрочи ва **13 таси**да ҳам ижрочи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **59 та** топшириғи назоратга олинган бўлиб, шундан, **50 таси**да вазирлик асосий ижрочи ва **9 таси**да ҳам ижрочи ҳисобланади.

Топшириқлар ижросини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар ҳар ҳафта вазирлик марказий аппарати йиғилишлари ҳамда ҳар ой якуни билан ҳайъат йиғилишида танқидий таҳлил қилиб борилмоқда.

Ташкилий назорат ва таҳлил бўлими